

Зийнатнинг мукаммали бўлмас экан



09:00 / 16.03.2023 4178

Яҳё ибн Аксам айтади: «Бир кеча мўъминлар амири Маъмуннинг хузурида ухладим. Кечанинг ярмида чанқоқликдан уйғониб кетдим. Уёқ-буёққа ағанадим. Шунда Маъмун: «Сенга нима бўлди эй Яҳё?», деди.

Мен: «Чанқадим эй мўъминлар амири!», дедим. Шунда халифа Маъмун сакраб ўрнидан турди ва менга бир кўзада сув келтирди.

Мен унга: «Бирор-бир ходимингизга айтсангиз бўлар эди-ку!», десам у шундай деди: «Менга отам айтиб берган, отамга бобом айтиб берган, бобомга отаси айтиб берган, у Уқба ибн Омирдан ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Бир қавмнинг саййиди унинг ходимидир!».

Яъни, инсон дўстларига ёки бошқа инсонларга хизмат қилган билан унинг қадри пасайиб қолмайди. Бу ҳадисда бир қавмга хизмат қилган киши ўша қавмнинг саййидига тенглаштирилаяпти.

Тўғриси айтганда, агар бир киши Аббосий халифа Маъмуннинг ахлоқи ҳақида китоб ёзса, сийрат уламолари у ҳақида айтган гапларни шарҳласа жуда катта китоб бўлар эди. Унинг ахлоқи жуда гўзал бўлган. У олийжаноб инсон бўлиб, илм ва яхшилик аҳлини яхши кўрар эди. Аммо катталар айтганларидек: «Зийнатнинг мукаммали бўлмас экан».

Маъмуннинг бу гўзал хислатларини унинг мўътазила фирқасидан бўлгани лойқалатиб айблаб туради. У «Қуръон махлуқ» номи остида кўтарилган фитнанинг соҳиби бўлган. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳни зиндонга солган, дарралатган. Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилсин. Имоми Аҳмад роҳимаҳуллоҳни ҳам раҳматига олсин!

«Бир қавмнинг саййиди унинг ходимидир», ҳадисининг санадида узилиш бўлсада, ҳадис олимлари уни заиф десада, ҳаёт бу ҳадисни саҳиҳлаштирган. Яъни, инсонларга хизмат қилган киши албатта уларнинг саййидидир.

Ҳақиқий инсоннинг қиймати башариятдан нима олишида эмас, башариятга нима тақдим қилишидадир. Атрофимиздаги барча нарсаларга назар солсак уларнинг инсониятга фойда берадигани қийматли эканлигини кўрамиз. Қуёшнинг қадри унинг бераётган иссиғи ва сочаётган нури туфайлидир. Булутнинг қиймати унинг ёғдираётган ёмғири ва бераётган сояси туфайлидир. Дарахтнинг қадри унинг бераётган меваси ва сояси туфайлидир. Ҳатто асаларининг берган асали туфайли нинасини санчганини кечирамиз. Энди инсонга келадиган бўлсак, у яхшилик билан из қолдиришга юқоридагилардан муносиброқ ва ҳақлироқдир.

Тиббиёт илми инсонларнинг аламини енгиллатгани учун буюк илм ҳисобланади. Адвокатларнинг қиймати ва қадри зулмни ман қилиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишидадир. Акс ҳолда улар шайтон ҳимоячисига айланиб қолишади.

Баланд мансаб заифларга хизмат қилиш учундир. Агар мансабдор инсон заиф ва мазлумларни ёнини олса, уларга хизмат қилса ҳақиқий саййид бўлишга муносибдир!

Биз фақир ва мискинлар учун ўзимизни паст тутар эканмиз, аслида юқорига кўтарилган бўламиз. Агар биз фақир ва мискинларни одам

ҳисобига қўшмасак, уларни назарга илмасак ўзимизни буюк инсон деб билсакда, аслида разил ва паст инсонга айланамиз.

Дунёда «тақдим қилиш» ва «ато қилиш» деган нарсалар бор. Уларсиз биз ҳеч киммиз!

Абдулқодир Полвонов